

**ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА
ТАШКИЛОТЛАРИ
ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ
МАЗМУН-МОҲИЯТИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Давлат органлари ва ташкилотлари функцияларининг мазмун-моҳияти бўйича услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2025 й. – 18 б.

Мазкур услубий қўлланма Давлат органлари ва ташкилотларининг вазифа, функция, ваколат ва мажбуриятлари бўйича фундаментал тушунчаларни, функцияларга хос хусусиятларни ҳам уларни аниқлаш мезонларини содда ва тушунарли тарзда ёритиб бериш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

ФУНКЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ.....	4
ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФА, ФУНКЦИЯ, ВАКОЛАТ (ҲУҚУҚ) ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ ТУШУНЧАЛАРИ	5
ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ	5
ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	5

ФУНКЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 21 декабрдаги ПҚ-447-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларининг очиқ реестрини юритиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 29 ноябрдаги 796-сон қарори



ДАВЛАТ ОРГАНЛАРНИНГ ВАЗИФА, ФУНКЦИЯ, ВАКОЛАТ (ҲУҚУҚ) ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ ТУШУНЧАЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 21 декабрдаги ПҚ–447-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 ноябрдаги 796-сон қарори билан Республика ижро этувчи ҳокимият органлари функциялари очиқ реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги **низом** тасдиқланган.


Мазкур низомда қуйидагилар назарда тутилган:

- ▶ республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функциялари тўғрисидаги маълумотларни Республика ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларининг очиқ реестрига киритиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ундан маълумотларни чиқариб ташлаш;
- ▶ реестрга киритиладиган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функциялари тўғрисидаги маълумотларнинг манбалари ва турлари;
- ▶ республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функциялари паспортини шакллантириш;
- ▶ ваколатли орган ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.



**“Давлат функциялари”
автоматлаштирилган онлайн ахборот
tizими** давлат органлари ва
ташкilotларининг функцияларини самарали
ишлашни мониторинг қилиш ва уларни
такомиллаштириш ёки мақбуллаштириш
бўйича таклиф ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Давлат органи ва ташкilotининг **вазифа ва функциялари** бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, вазифалар умумлаштирилган фаолият йўналишларини белгилаб берса, функциялар вазифалардан келиб чиқади ва ҳар бир вазифани аниқлаштиради.



Давлат органи ва ташкilotининг **вазифаси** – бу ҳокимият ваколатларини амалга ошириш бўйича белгиланган мақсадга эришиш учун ҳал этиши зарур бўлган масалалари ҳамда фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Мисол учун, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи вазифалар ва ҳоказо.



Давлат органи ва ташкилотининг **функцияси эса** вазифага эришиш зарур бўлган фаолиятнинг аниқ йўналишлари, батафсил амалга ошириладиган ҳаракатлар, тадбирлар ҳисобланади.

Вазифа:

- нимани бажаради?

Функция:

- қандай ва қандай усулда бажаради?

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 сентябрдаги 596-сон қарори билан тасдиқланган Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, **давлат функциялари** давлат органлари, уларнинг қуйи бўлинмалари, шунингдек, бўйсунувида бўлган ташкилотларга қонунчилик ҳужжатларига асосан юклатилган вазифани бажаришда муайян якуний натижа билан тавсифланадиган фаолият йўналиши ҳисобланади.



Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 ноябрдаги 796-сон қарори билан тасдиқланган Республика ижро этувчи ҳокимият органлари функциялари очиқ реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра **республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг функцияси** — норматив-ҳуқуқий

хужжатлар билан республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган фаолият йўналишлари ҳисобланади.

(Республика ижро этувчи ҳокимият органи — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар).

Давлат органи ва ташкилотининг функциялари қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар билан белгиланиши мумкин.

Маълумот учун: Прокуратура органларининг функциялари (фаолиятининг асосий йўналишлари) “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда, Давлат хавфсизлик хизматининг функциялари “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонунда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг функциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомда белгиланган.

Ҳукумат тузилмасидаги кўплаб вазирлик ва идораларнинг низомлари Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган.



Ёдда тутинг!

Давлат органи ва ташкилотининг **ваколати** ўзига юклатилган вазифа ва функцияни амалга ошириш учун унга тақдим этилган ҳуқуқ ҳисобланади.

Давлат органи ва ташкилотига юклатилган вазифа ва функцияларни самарали амалга ошириш мақсадида бир қатор ваколатлар берилади.

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Давлат органлари ва ташкилотларининг функцияларининг шаклига қўйиладиган талаблар:

- ✚ аниқ ва қатъий бўлиши;
- ✚ раvon ва тушунарли бўлиши;
- ✚ муносабатларнинг аниқ бир соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тўлиқ бўлиши;
- ✚ ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш имкони мавжуд бўлиши ;
- ✚ синовдан ўтган атамалар, тушунчалар ва ифодалардан фойдаланилган бўлиши;
- ✚ нормалар таърифининг мумкин қадар аниқлиги ва лўндалиги;
- ✚ ҳуқуқий кўрсатмаларни баён этиш шакли, тузилиши ва усулларининг бир хиллиги, ягоналиги;
- ✚ қонунчилик техникаси қоидаларига риоя этилган ҳолда баён қилинган бўлиши.

Функцияларнинг мазмунига қўйилган талаблар:

- ✚ қонунийлик;
- ✚ ҳокимият ваколатларини ифода қиладиган;
- ✚ ваколат доирасида жамиятни у ёки бу соҳасини бошқаришга қаратилган;
- ✚ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинганлиги;

 ҳисобдорлик ва назоратнинг мавжудлиги.

Ҳар бир функция норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан давлат органи ва ташкилотига юклатилган бўлиши лозим.

Маълумки, давлат органи ва ташкилоти ҳокимият ваколатига эга бўлиб, ушбу ҳокимият ваколатлари орқали жамиятнинг у ёки бу соҳасини бошқаради ва мажбурий қарорлар чиқаради. Шунининг унутмаслик керакки, функция давлат органи ва ташкилотининг фаолият соҳаси ва унга берилган ваколатлар (ҳуқуқлар) чегарасидан чиқмаслиги керак.

Давлат органи ва ташкилоти ўз функцияларини амалга оширишда фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, уларга риоя қилиши шарт.

Давлат органи ва ташкилотининг функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти юзасидан юқори турувчи орган, жамият институтлари олдида ҳисобдор бўлиши, ушбу тадбирлар назоратга олинган бўлиши лозим.

Функцияларни белгилашда қуйидаги камчиликларга йўл қўймаслик зарур:

-  мазмунан бир хил функцияларни (такроран) киритмаслик;
-  бошқа давлат органи ва ташкилотининг ваколатига кирадиган масалаларда функция белгиламаслик;
-  бошқа давлат органи ва ташкилотининг функциясини такрорламаслик;

- ўз аҳамиятини йўқотган ижтимоий муносабатлар бўйича функциялар белгиламаслик;
- давлат органи ва ташкилотининг вазифаси ва ваколати доирасидаги масалаларни функция сифатида киритмаслик;
- бир марталик ва вақтинчалик тусга эга бўлган тадбирлар ва ишларни киритмаслик;
- амалга ошириш механизмлари ноаниқ ва мавжуд бўлмаган масалаларда функцияларни белгиламаслик;
- молиявий таъминланмаган, иқтисодий ресурслари аниқ белгиланмаган масалаларда функциялар белгиламаслик.

Ёдда тутиш: Давлат органи ва ташкилотининг ички иш юритиши, таъминоти ва иш ҳақиға оид амалга оширадиган фаолияти унинг низомларида белгиланадиган функцияларини қаторига кирмайди.

Чунки бу барча иш берувчи томонидан амалга ошириладиган меҳнатга оид умумий тадбирлар ҳисобланади.

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Давлат органлари ва ташкилотларига юклатилган вазифа ва функцияларни БПР усулларидадан фойдаланган ҳолда мақбуллаштиришда вазирлик томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан давлат органлари ва ташкилотларига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш механизмини белгиловчи регламент, низом, йўриқнома ёки бошқа ҳужжатлар мавжудлиги ўрганилиб, заруратга кўра уларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатилади;



“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- ▶ лойиҳаларни режалаштириш, ташаббус қилиш ва тайёрлаш;
- ▶ лойиҳаларни тайёрлашни ташаббус қилиш;
- ▶ лойиҳасини тайёрлаш;
- ▶ лойиҳаларнинг жамоатчилик муҳокамаси;
- ▶ лойиҳанинг ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизаси;
- ▶ лойиҳани манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар билан келишиш;

- ▶ лойиҳани норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга киритиш;
- ▶ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш.

б) ҳар бир вазифа ва функциянинг давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият йўналишларига **хослиги, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари (уларнинг ҳудудий бўлинмаси) функциялари билан **такрорланганлиги** ва **долзарблиги** таҳлил қилиниб, **хос бўлмаган, такрорланувчи** ҳамда **ўз аҳамиятини йўқотган** вазифа ва функцияларни бекор қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади;**

Вазифа ва функциянинг давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига **хослиги** уни ташкилот низомида назарда тутилган фаолиятининг устувор йўналишларига мос тушиши ҳамда амалга ошириш механизмида бевосита иштирок этувчи эканлиги билан баҳоланади.

Функциянинг бошқа давлат органлари ва ташкилотлари (уларнинг ҳудудий бўлинмаси) вазифа ва функциялари билан **такрорланганлиги** reestr.adliya.uz платформасига киритилган функцияларни солиштирма таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Вазифа ва функциянинг **ўз аҳамиятини йўқотганлиги** уларни **тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижалари орқали** аниқланиб, ушбу жараёнда вазифа ва функция ҳуқуқни қўллаш амалиётида ўз долзарблигини йўқотганлиги, ушбу вазифа ва функциялар хусусий сектор томонидан самарали тарзда амалга оширилаётганлиги сабабли давлат органлари ва

ташкilotлари томонидан уни амалга ошириш зарурати мавжуд эмаслиги каби омилларга устувор аҳамият берилади.

*с) вазифа ва функцияларни амалга ошириш босқичлари, унга сарфланадиган вақт ва молиявий ресурслар ўрганилиб, **ортиқча босқичлар** ҳамда **уларга сарфланадиган ресурсларни мақбуллаштириш бўйича таклифлар** ишлаб чиқилади;*

бунда ҳар бир функциянинг амалга ошириш механизмлари босқичма босқич таҳлил қилинади.

ҳар босқичга кетадиган вақт, амалга ошириш шакли (анъанавий ва электрон), усули (тизим ёки қўлда) таҳлил қилинади;

ортиқча ва аҳамиятсиз босқичларни камайтириш ёки бекор қилиш, амалга ошириш шакли ва усулларини инновацион технологиялар ёрдамида замонавий усулларга ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

*д) вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун молиявий, моддий (асосий воситалар ва инвентарлар) ва инсон ресурслари мавжудлиги ўрганилиб, амалга ошириш учун давлат органлари ва ташкilotлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида зарур ресурслар мавжуд бўлмаган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари томонидан самарали тарзда амалга оширилиши мумкин бўлган вазифа ва функцияларни **хусусий секторга ўтказиш** бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 сентябрдаги 596-сон қарори билан тасдиқланган Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ўрганилаётган функциянинг хусусий секторга берилишига йўл қўйилмайдиган асослар мавжуд бўлмаганда, қуйидагиларга асосан ушбу функцияни хусусий секторга ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади:



- ▶ хусусий сектор томонидан ушбу функцияни самарали тарзда амалга оширилаётганлиги ёки бундай имкониятнинг мавжудлиги;
- ▶ функцияни амалга ошириш жараёнида шаффофликнинг йўқлиги;
- ▶ давлат органининг асосий фаолият йўналишига хос эмаслиги;
- ▶ функцияни амалга ошириш жараёнида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва амалдаги қонунчиликка зид бошқа ҳаракатлар мавжудлиги;
- ▶ ушбу функцияни амалга ошириш жараёни юзасидан шикоят ва эътирозларнинг кўплиги;

э) вазифа ва функциянинг **номарказлаштириш** ёки **марказлаштириш** имкониятлари ўрганилиб, давлат органлари ва ташкилотларига юклатилган вазифа ва функцияларни уларнинг ҳудудий бўлинмаларига ёки маҳаллий ижро этувчи

ҳокимият органларига ўтказиш, шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) бўлинмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг функцияларини республика даражасидаги давлат органларига ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади;

УНУТМАНГ!!

Ўтказилиши қўйидагиларга зарар етказиш хавфини келтириб чиқарадиган давлат функцияларининг хусусий секторга берилишига йўл қўйилмайди:

- ◆ конститутсиявий тузумни ҳимоя қилишга;
- ◆ жамоат тартибини сақлашга;
- ◆ фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига;
- ◆ жиноят иши юзасидан судгача бўлган ишлар ҳолатига;
- ◆ тезкор қидирув фаолиятига, одил судловга;
- ◆ давлат сирларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ва ахборот хавфсизлигига;
- ◆ муҳофаза тизимига;
- ◆ миграция ҳолатига;
- ◆ миллий статистикани юритишга;
- ◆ давлат мулкани тасарруф этишга;
- ◆ халқаро мажбуриятларга қаратилган, стратегик, сиёсий, ижтимоий ва давлат манфаатларига.

Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишнинг асосий мақсадлари:

- бозор шароитида рақобат муҳитини ривожлантириш;
- тадбиркорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратиш;
- фуқароларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш;
- аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;
- давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш;
- давлат органларининг штат бирликларини мақбуллаштириш.

